

## V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

**5.1.** Таъминотчи қуйидагилар юзасидан жавоб беради:

а) Истеъмолчини меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларга ҳамда мазкур шартномага мувофиқ ичимлик сув билан таъминлаш, оқова сувларни чиқариш;

б) Истеъмолчига меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар ҳамда қонунчилик асослари ва шартномада кўрсатилган талабларга мувофиқ (O'zDSt 950:2011 давлат стандартига мувофиқ) сифатли ичимлик сув етказиб бериш;

в) Истеъмолчига ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимларига уланиш учун ўз вақтида, қонуний асосланган техник шартларни тақдим этиш;

г) сувни ҳисобга олиш индивидуал асбобларини ўз вақтида давлат назоратидан ўтказиш, белгиланган муддатларда Истеъмолчидаги сувни ҳисобга олиш асбобларининг ечиб олиниши, ўрнатилиши, кўрсаткичлари назорат қилиниши ва текширув ўтказилиши ҳақида огоҳлантириш;

д) Истеъмолчининг мулкига етказилган моддий зарар учун қонунчиликда кўрсатилган тартибда жавоб бериш;

е) шартнома шартлари ва ўзига юкланган мажбуриятларни бажармаганлик.

**5.1.1.** Таъминотчи Истеъмолчини сув билан таъминлашда қуйидаги сабабларга кўра узилишлар бўлганлиги учун жавоб бермайди:

а) Қоидаларнинг 129-бандида санаб ўтилган сабабларга кўра сув бериш тўлиқ ёки қисман тўхтаганда;

б) Истеъмолчининг айбига кўра.

**5.1.2.** Таъминотчи, агар сув таъминоти бўйича кўрсатилаётган хизматлар сифатининг енгиб бўлмайдиган куч ёки сув таъминоти хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари Истеъмолчи томонидан бузилганлиги туфайли содир бўлганини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда исботласа, у сифат бузилганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

**5.1.3.** Тозалаш иншоотлари, насос станциялари қувватининг ёки коммунал сув қувурларининг сув ўтказиш қувватининг етарли эмаслиги туфайли сув таъминотида мунтазам равишда узилишлар бўлган тақдирда Таъминотчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда, Истеъмолчини унга сув берилиши режалари ҳақида хабардор қилиб, алоҳида туманларга сув берилиши юзасидан жавоб беради. Шу билан бирга, Таъминотчи Истеъмолчини сув билан нормал таъминлашга тўқсинлик қилаётган сабабларни бартараф этишга доир барча зарур тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши, шунингдек сувни ҳисобга олиш асбоблари мавжуд бўлмаганда - сувни бериш соатларига мутаносиб равишда қайта ҳисоб-китоб қилиниши юзасидан жавоб беради.

**5.2.** Истеъмолчи қуйидагилар юзасидан жавоб беради:

а) канализация тармоғида авария бўлган тақдирда ертўла хоналарини сув босишидан сақлайдиган барча ўчирувчи қурилмаларнинг бутлиги, сақланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатдалиги учун;

б) Ўзига қарашли санитария асбоблари, канализация тармоқлари, иншоот ва қурилмаларда тамбанинг йўқлиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли Истеъмолчининг канализация тармоқларида ёки Таъминотчида, ичимлик сув ва канализациянинг ташқи тармоқларида авария (тикилиб қолиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарар учун;

в) Таъминотчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувни ҳисобга олиш асбоби, айланма линия зулфини, ёнғин зулфинлари, гидрантлар ва унинг ҳудудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда Таъминотчи томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув қурилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва сақланиши учун;

г) Таъминотчига ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлари ва қурилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда.